

# ХУҚУҚ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

МУСТАҚИЛЛИК

ДЕМАКДИР

## • Республика прокуратурасида

Республика прокуратурасининг 1999 йил 12 июнь куни бўлиб ўтган навбатдаги ҳайъат мажлисида муҳокама этилган масалаларнинг мақсад-моҳияти инсон ҳуқуқлари бузилишининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан мурасасиз бўлиш, прокуратура идораларининг инсон ҳуқуқларини кафолатлашдаги фаолиятини юксак даражага кўтаришга йўналтирилди.

Кун тартибдаги биринчи масала - Республика Бош прокурорининг «Фуқароларни ушлаш, ҳибсга олиш ва жиноий жавобгарликка тортишда уларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан оқурор-назоратини янада чўйатириш ҳақида»ги бўйруғининг ижросини текшириш

Фуқароларни ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилиши натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш, уларнинг поймол бўлган ҳуқуқларини тиклаш (реабилитация) масалаларини ҳал этишда ҳам сансолорликка йўл қўйиш ҳоллари мавжуд. Муҳокама этилган масала

мон Республика бўйича бир неча ўн минг шахсга нисбатан тadbик этилган.

Бироқ жойлардаги жазони ижро этиш, тергов ва суд органлари томонидан ушбу Фармонни нотўғри қўллаш ёки аксинча асоссиз равишда қўллашни рад этиш ҳолларига йўл қўйилган.

Ўзодликка чиқарилган шахсларни жамиятга қайтишлари учун ёрдам бериш мақсадида жойлардаги ижтимоий кўникма марказлари, маҳаллий ҳокимликларнинг тегишли хизматлари томонидан ҳам айрим қонунбузарликлар содир этилганлиги

## • Мушоҳада

# XXI АСРНИНГ ХУҚУҚИЙ ТАФАККУРИ

**Облоқул СУЛТОНОВ,  
Қўқон шаҳар  
прокурори:**

- Ҳаётни чуқурроқ ўргана-ман, кишиларни яхшироқ била-ман, десанг бир чўли ироқда, бир шаҳри азимда яшаб кўр экан. Қиёслаш учун катта майдон, мушоҳада учун чуқур уммон экан, бу ҳаёт. Бироқ, ҳар икки ҳолатда ҳам инсон номини ва шаънини бандан тутган кишиларнинг қўллиги мени қувонтиради. Беоён Қизилқумдаги чўпонлар ҳаётини кўпчилик кинолар орқали тасаввур этоди. Лекин, Учқудуқ шаҳрининг ўзида чуқуқ сув туғул тоза ҳаво тансиқ неъмат ҳисобланган шароитда ҳуқуқий жамият ҳақида ўйлашнинг ўзи осон иш эмас. Кўп ўйладим ва битта хулосага келдим: Агар, қонунбузарлиқнинг йўлига тўсиқ қўя билсанг, гўё чўллаб келган чўпонга бир коса сув тутган, ёки қирқ-қирқ беш даражали оташгоҳда ишлаётган кончига салқин ҳаво уфургандек бўлар экансан. Шундай кунларда ертбосимизнинг одамлар ҳар қандай қийинчиликка, йўқчиликка чидаши мумкин, лекин адолатсизликка асло тоқат қила олмайдилар, деган сўзларидан нақадар буюқ ҳақиқат борлигига яна бир бор амин бўлдим.

Катта ҳаёт ўтиш даврининг бутун шиддати гуркираб турган, бир сўз билан айтганда хон кўрган, Ҳўқанди латифда хон ўзини йўқотиб қўймасдан, инсон бўлиб яшаш осон эмас. Бу ерда ҳам адолатга суянчиқ бўлиш билан одамлар эътиборини қозониш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим.

...Кўлимда кўп фарзандли, ёрдамга муҳтож оилаларга давлат томонидан ажратилган маблагни ўзлаштирган маҳалла ҳўмиталари раисларининг рўйхати: ...Умаров, Мадаминов, Маҳмудов ва бошқалар. Уларнинг шахсини суриштириб кўрсангиз, дуппа-дуруст ишларда ишлашган, ҳурмат-эътиборга сазовор кишилар. Нима жин урди экан, деб ҳайрон бўласиз. Менимча, бу ўтмишимиздан қолган буйруқбозлик тизимининг асорати, демократияни кўнгил тусаган ишни қилавериш деб тушунишнинг оқибати бўлса керак. Аммо бунинг акси ўлароқ, мустақиллик имконият-

ларини намойиш этиш учун курашаётган маҳаллақўм раислари жуда кўпчиликини ташкил этоди. Келгусида улар бутун ҳаёт маромини ўз қўлларига олади. У давр прокурорларига ишлаш осон бўлади. Дўқонлар худди хон замонларида бўлгани каби очик ташлаб кетилаверади.

Инсоф, бировнинг ҳақидан кўркиш, адолат тамойиллари XXI аср ҳуқуқий ҳаётининг кўзгуси бўлиб қолади. Ишда ўзини кўрсатиб, тажриба тўллаб танилиб қолган прокурорлар ўша даврда ўзини адвокатликка «урса» ажаб эмас. Чунки, ҳазирги жамиятда прокурорга, милицияга кўчли эҳтиёж сезилади. Кўчли давлатдан кўчли жамиятга ўтилганда худди ривожланган мамлакатлардагидек адвокатларнинг «кўни туғоди».

**Абдусамат АБДУРАЗЗОҚОВ,  
Бекабод шаҳар  
прокурори:**

- Қўлимда шаҳар ички ишлар бўлими ходимларидан бригада тегишли жиноят иши бор. Бу жиноят ишини тўхтатиш, бекор қилиш учун кимлар ара-лашмади, дейсиз. Иложини топишолмади ва шу иш «қахрамони» «огир касаллик» ҳўжжати тўғирлаб, жазодан қўтўлиб қолиш йўлини изламоқда. Бундай шароитда ўзини ҳўрмат қилган юрист оддий мантик талаби билан иш кўради. Милиция ходимлари ҳар йили медицина кўригидан мажбурий торзда ўтказилади. Ва, бизнинг «қахрамонимизни» шундай огир касали билан қайси шифокор 15-20 йилдан бери кўриқдан ўтказиб, унинг соғломлигини тасдиқлаб берган экан, деган савол қўйилмоқда. Ишонманки, ҳамма саволларга жавоб топамиз.

Авал ҳам бир жиноятта бош қўшган тартибот ходимининг «иши»да шундай изчил бўлган эдик. Мени қонунийликка амал қилишда ҳўқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва раҳбарларига нисбатан ўта «таабанчилик»да «айблашоди». Тўғриси шу. Бу муҳитда қонунийлик рисоладагидек бўлса, бошқасини эллаб олиш ҳеч гап эмас.

Назаримда, мустақиллиқнинг ўтган йилларида жамиятнинг бу табақасида мусаффо ҳуқуқий

(Давоми 4-бетда).

# ПРОКУРОР ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИНГ ФИДОЙИ ҚИМОЯЧИСИ БЎЛСИН

юзасидан Республика прокуратураси бошқармаси бошлигининг ўринбосари Э.Жўраев ахборот берди.

Фуқароларни ушлаш, ҳибсга олиш ва жиноий жавобгарликка тортишда уларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳўқуқ-тартибот идоралари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан муайян тadbирлар амалга оширилаётганига қарамасдан, бу борада қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда.

Тошкент шаҳар, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Жиззах, Хоразм вилоятлари, Қуролли кўчлар Ҳарбий прокуратураси ва Ички ишлар вазириликнинг тергов маҳкамаси содир этилган қонунбузарликларни бартараф қилиш учун жиддий чоралар кўришлари керак.

юзасидан сўзга чиққан Самарқанд вилояти прокурори А.Ҳўсаинов, Тошкент шаҳар прокурори М.Наимов, Фарғона вилоят прокурори Б.Тойжонов йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тadbирлар ҳақида ҳисоб бердилар. Ҳайъат мажлисида фуқароларни ноқонуний қамоқда ушланишига йўл қўйган прокуратура ходимларининг ҳар биридан изоҳ талаб қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1 декабрда чиқарган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони ижросини текшириш натижалари ҳақида Республика Прокуратурасининг бўлим бошлиғи Н.Файзуллаев ахборот берди. Аниқланишича, мазкур фар-

аниқланган.

Тошкент шаҳар прокурорининг қамоққа олинганларни саклаш ва жазони ижро этиш жойлардаги қонунларга риоя қилиниши устидан назорат ишлари бўйича катта ёрдамчиси Б.Одилов, Андижон вилоят прокурори У.Шамсиев, Қоракўлпоғистон Республикаси прокурори Ҳ.Ҳўлимов ва бу борада бевосита камчиликларга йўл қўйган прокуратура ходимлардан ҳайъат мажлисида изоҳномалар талаб қилинди.

Мажлис кун тартибдаги навбатдаги масала - Республика Бош прокурорининг 1998 йил 12 ноябрдаги «Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш ҳақида»ги бўйруғи

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги олдида



Газетамизнинг ушбу сонида  
Наманган вилояти ҳўқуқ-тартибот  
идоралари фаолиятига бағишланган  
мақолаларни ўқийсиз

(Давоми 4-бетда).









Республикамизнинг барча ўқув даргоҳларида бўлгани каби Наманган вилояти билим маскалларида ҳам «Сиз қонунни биласизми?» кўриктанловчи ўтказилишига жиддий эътибор қаратилди. Суратда: Танлов иштирокчиларидан бир гуруҳи.

• Иш билмаган...

Халқимизда «Бош бошлайди, оёқ ташлайди» деган мақол бор. Жуда топиб айтилган ҳикмат. Сабаби, эришилган муваффақиятда ҳам ёки содир бўлган таназзулда ҳам иш бошининг таъсири катта. Бошлиқ билимдон ва тadbиркор бўлса унинг етакчилигидаги жамоа аъзоларининг ишлари «беш» деяверинг. Бордию, раҳбарда ташкилотчилик, замонавий билим ва илғор тушунчалар бўлмасаю, фақат ҳавас бўлса жамоа «бошига таъна-дашномлар тушиши, иқтисодий зарарлар келиши аниқ. Буни Н.Раҳимов мисолида ҳам кўриш мумкин. Хўш, Н.Раҳимов ким? Унинг бошида нега «калтаклар синаяпти»?

# РАҲИМОВНИНГ ЧЎНТАГИ ТЕШИЛДИ

Н.Раҳимов 1987 йили «Ҳўчи пойабзал» фабрикаси - ҳозирги очик турдаги ҳиссадорлик жамияти сифатини назорати бўлимининг бошлиғи этиб тайинланди. Саноат корхонасида сифатни назорат қилиш ўта масъулиятли вазифа.

Ииллар ўтаверди. Катта шов-шув, зўр қувонч билан ишга тушган бу корхона юз-юзлаб ўйчиликларни, айниқса, ишсиз, уйда ўтирган ёш хотин-қизларни бағрига олди. Лекин бу қувонч узоққа чўзилмади. Жамоа фақат уйда кийиладиган, оддий пойабзал ишлаб чиқаришдан нарига ўтмади. Маҳсулот сифатидан эса истеъмолчиларнинг кўнгиллари тўлмоди.

Республикамиз мустақиллиги тadbиркорлик учун катта йўл очиб берди. Бу Нурмирза учун ҳам синов эди. Ана шу даврда ҳиссадорлик жамияти юксалиш, ўзини кўрсатиш ўрнига чўкиб борди. Ишлаб чиққан моллари дўконлар пештахталарида, омборхоналарда чанг босиб ётди...

Имтиҳондан Н.Раҳимов ҳам ўтолмади. Лекин қизғин шундаки, сифатсиз моллар кўпайиб, мазкур ҳиссадорлик жамиятининг қарзи ортиб - иши кейинга сурилганига қарамай, Нурмирза Раҳимовнинг мартабаси кўтарилди. Корхона раҳбари «ишдан кетди». Унинг ўрнига Н.Раҳимов бошқарув раиси вазифасини бажарувчи қилиб қўйилди. Омад деб шунини айтиш керак-да!

Раислик вазифасини вақтинча бажарувчининг ўзи эътироф этишича шу йил 26 мартта қадар ишлаб чиқарилган 2202283 сўмлик мол тўпланиб қолган. Сабаби, технологиянинг эскилиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати пастлиги. Оқибатда юз-юзлаб ишчи ўринлари қисқартирилди, маҳаллий хотин-қизлар фаолиятлари тўхтатилди.

Жамиятнинг қарзлари тобора кўпайиб борди. Раҳбарият эса дебиторлик қарзларини ундиршиш, шу маблаглар ҳисобига маҳсулот сифатини яхшилаш, омборда туриб қолган маҳсулотлар нархини пастайтириб сотиш, тушган маблаглардан боқимонда қарзларни муддатидо тўлаш, пеняларни кўпайишининг олдини олиш орқали ночорлик ҳолатидан чиқиш чораларини излаб топмаган. Маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш тadbирларини кўрмаган. Бунда асосий айбдорлар жамият кузатув кенгаши ва раҳбар Нурмирза Раҳимовдир. Шунинг учун ҳам суд Республика Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига асосан раҳбар масъулиятини қараб чиқди. Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг тегишли моддаларига кўра Нурмирза Раҳимовга катта миқдорда жарима солди. Ана энди билдингизми, Нурмирзанинг чўнтаги нега «тешилганини»? Мансабдор, лавозимдор бўлиш осон эмас. Раҳбарликнинг оғир юкини масъулиятни ҳис этанларгина тўла ангайдилар.

Ўмиржон АСРАНБОВЕВ, Наманган вилоят хўжалик судининг судьяси.

• Юзма-юз суҳбат

## «ТЕРГОВЧИЛИК МАНСАБ ЭМАС...»

- Ҳабибулло ака, маълумки, терговчилик мураккаб касб. Айрим ҳуқуқшунослар терговчи бўлишдан кўра прокурор ёрдмчиси бўлишни афзал билишади. Тўғри эмас-ми?

- Ҳақиқатан ҳам гапингизда жон бор. Чунки жиноятчининг айбини исбот қилиш масъулияти энг аввало терговчи зиммасида. Бунинг учун у оғишмаслиги керак. Қолаверса, ҳар бир ишнинг ортида инсон тақдирини ётади. Уни одолатли ўрганиш терговчидан маҳорат талаб этади. Яна айбланувчига қонун олдида жавоб бераётганини, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаслигини, айбсиз жавобгарликка тортилмаслигини еткази билиши лозим.

- Баъзида олиб бораётган ишнинг омадсизлигига учрайверса нима қиласиз?

- Ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Очиги, 21 йил ичида шу қатори бўлим бошлиғи, прокурор бўлган вақтимида ҳам тергов қилган ишларимдан бирортаси ҳали суддан қайтган эмас. Агарда шундай бўлса, билмодим...

- Кўпчилик, ҳуқуқшунос маданияти деганда терговчи маданиятини назарда туташади. Айтингчи, терговчи маданияти деганда нима ни тушунасиз?

- Аввало, бунинг учун маданият сўзини тушунишга ҳаракат қилсак.

Менимча, маданият бу инсоннинг яхши хулқ-атвори, муомаласи, ахлоқ-одоби. Ҳайлайманки, яхши сифатлар ҳар қайси терговчида, ҳуқуқшуносда, шу жумладан, оддий фуқарода ҳам бўлиши зарур. Ҳушмуомалалик ҳамма вақт ишга, ўнинг самарасига ижобий таъсир этади.

- Кўп йиллик терговчилик тажрибасиздан келиб чиқиб айтингчи, бузғини кун терговчиси қандай бўлиши керак?



**Ҳабибулло Тўрабоев** 1953 йил Наманган шаҳрида туғилган. 1978 йилда ТошДўнинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Дастлаб иш ўрганувчи, Ҳўчи туман прокуратурасида терговчи, вилоят прокуратурасида алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи, жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи, Давлатобод туман прокуроври, ҳозирда вилоят прокуратурасида катта терговчи лавозиминда ишламоқда. Oilали, 4 нафар фарзанднинг отаси.

- Бунга қисқа қилиб, ўз касбини севувчи, ҳалол, одолатпарвар, деган бўлардим.

- Терговчилик ижодкор деганидек, яъни у «иш»ни жиноятчи тўғрисида маълумотдан бошлаб, уни яхши китоб ҳолига келтиради. Бунда воқеа тафсилоти, гувоҳлар кўрсатмаси, қўйилган қандай керакли ҳужжат бўлса бариси тўпланиди. Демокриманки, «иш»ни асосан қайси вақтда олиб борасиз?

- Жуда тўғри. Бизнинг ишимиз ҳам ижодкорликдан кам эмас. Буни ўзингиз ҳам айтасиз. Албатта, ишга киришиш чоғида олдимизда оппоқ қоғоз ва қалам бўлади. Изланиш, сўровлар, гувоҳлар кўрсатмасини аниқлаб, тушунарли қилиб бир бутун, боя айтганимдай китоб ҳолига келтирилади. Яъни, йўқ жойдан бор қилинади. Унганча тиним бўлмайди. «Ижод» массаласига келак, унинг муайян қилини ёки чегараси йўқ. Йўналишни «иш»нинг характеридан келиб чиқиб белгиланмиш.

- Шу касб орқали обрў топиш мумкинми?

- Бўлмасачи, агар ҳалол ишласангиз албатта, бўлади. Лекин, кўпчилик фалончи терговчи деб уни кўкка кўтармоқчи бўладилар. Менимча, терговчи улар назарда тутандек мансаб эмас, балки ҳўнар каби машаққатли касб десак ўринли бўлар. Бу игна билан қудуқ қазишдек гап, чунки терговчиликка иқтидор, қобилият ва қизиқиш орқали эришиш мумкин. Худди ўз ҳўнарини эъзозлаган новвой, қосиб ёхуд ошпаз сингари.

- Айтишларича, Сиз кўпича ўта оғир турдаги жиноятларни тергов қилар экансиз. Шундай экан, иш давомида бирор марта чўчиалмасиз?

- Йўқ, асло. Чунки айбдорнинг қилишини рўй-рост очиб берсангиз, беғуноҳни беғуноҳлигини адолатли ҳал этсангиз бўлгани. Яна бир гап. Агар кўркўв бўлса ишладан не ҳожат?!

Баҳодир ҲАМИДОВ суҳбатлашди.



Суратда: Косонсой тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Ш.Ашурматов ИИБ жамоат тартибини сақлаш гуруҳи бошлиғи, милиция майори М.Раҳимов ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция майори М.Усмоновларга галдаги вазифаларни бажариш юзасидан амалий кўрсатмалар бермоқда.

П.АКБАРОВ олган сурат.

• Божхона сарҳадлариди

## ЧЕГАРАДА ХУШЁРМИЗ

Божхонамиз Косонсой туманининг Киргизистон Республикаси Олабука тумани билан чегара қисмида жойлашган. Бу ердан Косонсой - Олабука катта магистрал йўли ўтади. Унда автотранспортлар қатнови кеча-кундуз тўхтамайди. Ходимларимиз бу йўлда автотранспорт воситалари ва пидёлаларнинг ҳаракати устидан мустақкам назорат ўрнатишган.

Масканимизнинг икки томони адири жойларидан иборат. Қўшни республика билан бўлган чегарамиз масофаси бир неча километрни ташкил этади. Ана шу жойларда ҳам постлар ишлаб турибди. 6 кишидан иборат ходимларимиз дала йўллари доимо назорат қилиб турадилар.

Ходимларимизнинг асосий ва дала йўлларида хушёрликни оширганликлари ўз самарасини кўрсатмоқда. Ана шу йўлларда киргизистонлик ўнлаб фуқаро қондабузарлик устидида қўлга туширилди.

Улар Косонсой туманидан тақиқланган чорва моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий бойликларни Киргизистонга олиб чиқиш кетмоқчи бўлишган. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида ана шундай қондабузар фуқаролардан олиб қолинган моддий бойликлар 252 минг сўми ташкил

этди.

Косонсой - Чуст йўлида жойлашган постимизда ходимларимиз шу йилнинг 6 феврал кунини «ВАЗ 21011» русумли энгил автомашинани тўхтатишди. Текшириб кўрилганида унинг ичиди умумий баҳоси 46800 сўм бўлган 400 кг. гурч, баҳоси 4 минг сўмликдан зиёд бўлган 50 кг. қанд борлиги аниқланди. Ана шу маҳсулотлар давлат фойдасига мусодара этилиб, автомашина ҳайдовчиси киргизистонлик Ш.Парлиевага 9240 сўм жорима солинди.

Божхона маскани ишини ташкиллаштиришда маскан катта инспектори, божхона хизмати лейтенанти Икромжон

Ганиев, инспекторлардан божхона хизмати лейтенантлари Зофар Усмонов, Хабибулла Мамадалиев, инспектор, божхона хизмати старшинаси Умархон Абдуллоевлар бошқаларга алоҳида намуна кўрсатмоқдалар. Биз билан ҳамкорликда вилоят санитария - карантини хизмати ходимлари ҳам фаол иш олиб боришаётир.

Божхона маскани чегарада кеча-кундуз назоратни қатъий талаб этадиган жой. Ана шундай масъулиятли маскан бизга топшириб қўйилган экан, унда доимо хушёр тураемиз.

**Турсунбой НАРЗУЛЛАЕВ,**  
1-Косонсой божхона маскани катта инспектори.



Суратда: Божхона масканида.

• Жиноятга жазо муқаррар

## ТУШДАГИ АЛАҲСИРАШ

Кароматхон тушида ўзи томон узатилаётган ағчаларни санаб олар ва ҳамёнига соларди. Ҳа, у орзу қилган ҳақиқий, росмана пуллар. Нақадар ажойиб, қанча кўп бўлса шунча яхши. Унинг қувончдан юраги ёрилиб кетай дер, бўлаётган воқеаларни туши ёки ўнги эканлигига сира ақли етмас эди. Ҳатто у эрталаб хурсанд ҳолда уйғонди. Ўридан турган заҳоти ҳамёнига қўл солди. Қидира-қидира хемир ҳам топа олмагач, ҳафсаласи пир бўлиб, зарда аралаш ҳамёнини жойига улоқтирди.

Кароматхон Уйчи туман ижтимоий таъминот бўлимида нафақа тайинлаш бўйича мутахассис бўлиб ишларди. Шу сабабли унга иш билан муурожаат қилувчиларнинг кети узилмас, биров чақалоғига нафақа ҳужжати тўғрилас, бошқаси бўлса набирасига нафақа ундириш мақсадида келарди. Кунин билан аёлнинг фикри ёди қандай қилиб бўлмасин пул топишда эди. Шундай кунларнинг бирида у ёрқўрғонлик таниши Насиба Иномовага ўз дардини айтди.

Шу кунин икковлон ўзларича режа тузишди. Режага мувofiқ уларга учинчи бир шерик керак эди. Насибахон «теран» ақли билан шерикликка ҳамқишлоғи Раънохон Шариповани танлади. Раънохоннинг 1993 йилда туғилган Азизбек исмли фарзанди бўлиб, боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидаги 1993 йил, 1996 йилга айланттирилди. Кароматхон бўлса унга муҳр босди. Иш битгач, Раънохон нақд 11250 сўми боласи учун нафақа сифатида кассасига солди. Албатта, бундан «ижоднинг заҳматкашлари» ҳам қуруқ қолишмади. Раънохон Насибага 700 сўм узатар экан, «рози бўласиз-да, энди», дея тиржайди.

- Мана бу зўр иш бўлдида, - деди аёл кетгач Насибахон ширин хаёллар оғушида. Пулнинг 350 сўмини ҳамёнига солиб, қолганини Кароматхонга олиб бориб берди. Кароматхон қачонлардир кўрган туши кўз ўнгида ҳақиқатга айланаётганлигига ёқа ушлаб, ҳайрон қолди. У энди ўзини ҳақиқий «кароматгүй» ҳисоблай бошлади.

(Давоми 7-бетда).

1997 йилнинг баҳори. Табиат уйғониб, кунлар исий бошлаган сари иккала ҳамтовокнинг ҳам текин пул дардида юраклари ўйнай бошлади. Улар яна «маслаҳатга тўн кийгизиб» ишга киришдилар. Фуқаро Раҳимахон Тўхтабоевнинг 1995 йилда туғилган фарзанди

(Давоми 7-бетда).

• Афсус...

Олимжон Нишонов шу пайтгача бирор марта ҳам жиноятга қўл урмаган, ўзининг таъбири билан айтганда «қўй оғзидан чўп олмаган одам» эди. Уша кунги воқеадан сўнг бўлса...

«Сўнги пушаймон, ўзинга душман», - дейди халқимиз. Бўлмаса кечагина ўз эрки, оиласи бахти учун яшаётган одам бугунга келиб темир панжара ортида ўтирормиди?

Олимжонни Учқўрғондаги 38-автокорхона ишчилари яхши билишарди. Чунки у шу ташкилотда анчодан буён ишлаб келарди. «Одамнинг оласи ичиди бўлади» - деган ибратли мақол айни кунда уни таниган-билган кишилар хаёлидан ўтган бўлса ажаб эмас.

Уша кунин Олимжоннинг юриш-туриши бироз ўзгарди. Нимодандир ҳадиксирар, кўз қарашларида ҳам қандайдир киши илғамас маъно бор эди.Бориға сабаб... Олимжонда 1 килограммдан ортиқроқ наркотик модда бўлиб, уни тезроқ сотиш ва мўмай даромад эгаси бўлиш илнжи унга сира тинчлик бермасди.

«Кўчада кўп юриш хавфи, бирор киши сезиб қолса «онамни учқўрғондан кўраман». Шу хаёлда ўзича ҳар бир босаётган қадамни ҳисоб-китоб қилиб борарди. Соат 18 лар чамасида у шоҳбекатга етиб келди.

Олимжон рўпаросида турган оқ рангли «Мерседес» автобуси томон юрди. Олди томонига «Уйчи-Учқўрғон» ёзуви

## «ҚЎЙ ОҒЗИДАН ЧЎП ОЛМАГАН...»


илинган машина аста ўридан кўзгалди. Микроавтобус Норин дарёси кўпригига етиб келганида хушёр турган ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатилди. Олимжоннинг ичиди бир нима узилгандай бўлди. Унинг қўлидаги халта тинтиб кўрилганида роппа-роса 1 кг 340 грамм «Ғашш» наркотик моддаси борлиги аён бўлди. Шу ернинг ўзиди жиноятчи ҳисба олинди.

Олимжон ўзининг айбини бўйнига олмай, милиция ходимларини лақиллатмоқчи бўлди.

- Соат 18 лар чамасида машинани гаражда қолдириб, уйга қайтётган эдим, - деди у. - Йўлда кетаётсам, капоти очик ҳолда турган қизил «Жигули»га кўзим тушди. Машина олдида 2 та йигит турарди. Улардан бири, Олимжон ака, қаерга кетаяпсиз, - дея сўраб қолди. Мен уни танимадим. Озгина хизмат бор эди, - деди у. Бирорта танишим бўлса керак, машинаси бузилиб қолган шекилли, дея хаёл қилиб, «хўп», дедим. Кейин салафан пакетдаги гиёвонд моддани дарёнинг у томонига олиб ўтиб беришимни сўради. Йўқ десам ҳам илтимос қилиб туриб олди.

Олимжон ростдан ҳам «олим» экан, бўлмаса ўринсиз баҳонани қандай тўқий оларди. Аммо терговда унинг барча «чўпчак»лари пучга чиқди. Наманган вилояти суди ҳукми билан Олимжон Нишонов 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Дилшод ОМОНОВ,  
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдмчиси.  
Алишер ЖўРАЕВ, журналист.



Суратда: Наманган шаҳридаги истироҳат ва дам олиш боғи.



